

**КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.38/09.07.2020.San.119.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

МИРЗАНАЗАРОВА ЭЪТИБОР ЯДГАРОВНА

**XX АСР ЎЗБЕКИСТОН ЛИБОС ДИЗАЙНИ: АСОСИЙ БОСҚИЧЛАР
ВА РИВОЖЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

17.00.08 – Санъат назарияси ва тарихи

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мирзаназарова Эътибор Ядгаровна

XX аср Ўзбекистон либос дизайни: асосий босқичлар ва
ривожланиш тамойиллари..... 3

Мирзаназарова Эътибор Ядгаровна

Дизайн одежды Узбекистана XX века: основные этапы и тенденции
развития..... 25

Mirzanazarova Etibor Yadgarovna

Fashion design of Uzbekistan of the XX century: main stages and trends of
development 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.38/09.07.2020.San.119.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

МИРЗАНАЗАРОВА ЭЪТИБОР ЯДГАРОВНА

**XX АСР ЎЗБЕКИСТОН ЛИБОС ДИЗАЙНИ: АСОСИЙ БОСҚИЧЛАР
ВА РИВОЖЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

17.00.08 – Санъат назарияси ва тарихи

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В2020.1.PhD/San1 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Бадий Академияси Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.mrdi.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Акилова Камола Балтабаевна
санъатшунослик фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Алиева Сурайё Шариповна
санъатшунослик фанлари доктори

Алимкулова Дилзода Раимкуловна
санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Диссертация ҳимояси Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.38/09.07.2020.San.119.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй). Тел.: (+99871) 255-98-39, факс: (+99871) 255-18-33, e-mail: info@mrdi.uz).

Диссертация билан Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй). Тел.: (+99871) 255-98-39, e-mail: info@mrdi.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги № _____ - рақамли реестр баённомаси).

Д.М. Қодирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, санъатшунослик фанлари доктори

Б.Ю. Сангиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори

А.А. Зияев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, архитектура фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда мазмун ва шакл, тарихий ва назарий, технология ва методология нуктаи назаридан оммавий қизиқиш уйғотаётган либослар дизайни санъат дунё маданияти тизимида ҳам анъанавий, ҳам янги талқин концепциялари билан боғлиқ равишда муҳим ўрин тутмоқда. Тобора ривожланиб ҳамда такомиллашиб бораётган мазкур соҳа жамиятнинг маънавий-ахлоқий, этик-эстетик шаклланишига катта таъсир кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан ҳам либослар дизайни оммавий санъат контекстида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятнинг ортиб бориши шароитида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон миқёсида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда миллий либос дизайнининг тараққиёт омиллари, тадрижий ривож, анъанавий хусусиятлари, уларнинг жамият тараққиётининг муҳим белгиси сифатидаги аҳамиятини ўрганиш устувор йўналишлардан бирига айланмоқда. Айни пайтда либос дизайнининг шаклланиш хусусиятларини аниқлаш, шунингдек ривожланишнинг истикболли йўналишлари ва тамойилларининг жамият билан ўзаро мувофиқлиги масалаларини, миллий санъат хусусиятларини тадқиқ этиш санъатшунослик илми олдида турган долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

Республикада миллий либосга хос анъаналарни қайта тиклаш, каштачилик, зардўзлик, анъанавий маданиятни сақлаш ва қатор ижтимоий-иқтисодий ислохотларга сўнгги йилларида алоҳида эътибор берилмоқда. “Ташқи бозорларда рақобат ва бекарорлик кучайиб бораётган шароитда иқтисодиётнинг реал тармоқлари билан бир қаторда мамлакатимиз худудларида ҳам рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур”¹. Бу борада Ўзбекистонда либос дизайнининг шаклланиши ва тараққий этиши, миллий либосларнинг маънавий-эстетик хусусияти, шунингдек тарихий асосларини аниқлаш, тарихий ҳамда замонавий либосларнинг ўзига хос миллий хусусиятларини инobatга олган ҳолда замонавий дизайн кўринишларини яратишнинг назарий асосларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон «Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикасида маданият ва

¹Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2016, 09 сентябрь, № 179.

санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикаси миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги 8-сон “Қамолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий илмий адабиётларнинг аксариятида либос дизайни шаклланиши санъатшунослик ва маданиятшунослик фан тармоқлари доирасида ўрганилган. Либос дизайнига оид маълумотларни илмий тадқиқ этиш борасида санъатшунос, маданиятшунос, этнограф, тарихчи, дизайнер мутахассислар иш олиб боришмоқда. XX-XXI асрлар либос дизайни соҳасидаги илмий изланишлар олиб борган қуйидаги хорижий олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга: Г.Эрнер, Дж.Сью, Н.Гарсия, А.Кипер, М.Зикагозе, С.Меллер ва бошқалар, шунингдек, рус олимлари Н.Каменская, Е.Киреева, Ф.Пармон, М.Мерцалова, А.Блейз, Р.Захаржевская, В.Зайцев, Е.Сборовский, А.Флиер, А.Упине, И.Плешковаларнинг илмий ишлари либос дизайнини маданият феномени сифатида ўрганишга бағишланган².

² Эрнер Г. Жертвы моды? Как создают моду, почему ей следуют. Эссе/ Пер. с фр. Н. Кисловой. СПб. – М.: Изд-во Ивана Лимбаха, 2008. – С.272.; Джонс Сью. Fashion-дизайн. Все, что нужно знать о мире современной моды. СПб.: - Питер, 2012. – С.176.; Гарсия Нина. Путеводитель по стилю. 100 вещей идеального гардероба. - М.: Эксмо, 2011. – С.304. Fashion: The Whole Story. – М. Изд-во: Магма. 2015. – С. 576.; Кипер Анна. Fashion Illustration: Inspiration and Technique. 2019. – С. 144.; Zicatose Mary. Ikat: The Essential Handbook to Weaving Resist-Dyed Cloth. – London. 2020. – С. 246.; Meller Susan. Russian Textiles: Printed Cloth for the Bazaars of Central Asia Hardcover – Illustrated, 2007.; The Complete Pattern Directory: 1500 Designs from All Ages and Cultures Hardcover – Illustrated, November 6, 2018.; Каменская Н.М. История костюма. Учебное пособие для средн. спец. учебных заведений. - М.: Легкая индустрия, 1977. – С.128.; Киреева Е.В. История костюма. Европейский костюм от античности до XX века. Учебное пособие для средн. спец. учебных заведений. 2-е издание. - М.: Просвещение. 1976. – С. 174.; Пармон Ф.М. Композиция костюма. Учебник длч вузов. - М.: Легпромбытиздат, 1985. – С. 264.; Мерцалова М.Н. Поэзия народного костюма. – 2-е изд. - М.: Мол. Гвардия, 1988. – С. 224.; Блейз А. История в костюмах от фараона до денди. - М.: ОАМ – пресс. 2002. – С. 176.; Захаржевская Р.В. История костюма от античности до современности. 3-е издание. - М. 2005. – С. 288.; Зайцев В.М. Этот многоликий мир моды. – Москва, 1982. – С. 80.; Такая изменчивая мода.– Москва, 1980. – С. 206.; Красникова – Аксенова Л.Я. Учитесь красиво одеваться. – Москва, 1990. – С. 124.; Дзиконска-Козловска А. Женская мода XX века. – М.: Легкая индустрия, 1977.; Волевич Г. Красиво и модно: Одежда для молодежи. – Москва, 1981. – С. 175. Зборовский Е.М. По законам красоты. – Москва, 1969. – С. 144.; Флиер А.Я.

Ўзбекистон либос дизайни XX аср бошларида маданиятшунослик, этнография, ўлкашунослик, педагогика ва психология каби фан тармокларида ўрганилган. Собик совет даврида ўзбек анъанавий либосларига нисбатан “эскилик саркити” сифатидаги муносабат устувор бўлиб, аксарият европача кийиниш услубига хайрихоҳлик билдирилган. Мазкур ёндашув асосида, иккинчи жаҳон урушидан олдинги ва кейинги йилларда маҳаллий аҳоли кийимларини ўрганиш бўйича бир қатор ишлар олиб борилди³. Шунингдек, бу даврда этнограф ва археологларнинг деворий расмлар, ёзма манбалар ва дала материаллари асосида яратилган ишлари вужудга келди ва улар Ўрта Осиё халкларининг либосларини ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этди³. Т.Абдуллаев, С.Хасанова, М.Бикжанова, Д.Фахретдинова, Х.Исмоилов, Л.Ундерова, Н.Содиқова каби олимларнинг илмий ишларида ўзбек либосининг ривожланиш омиллари ва ижтимоий-тарихий жиҳатлари, санъатшунослик объекти сифатида намоён бўлган⁴.

Замонавий адабиётларда А.Ҳақимов, К.Акилова, Х.Комилова, З.Раҳимова, Б.Нодир, В.Чурсина, Ф.Отаханова каби олимлар тадқиқотларида либос дизайнини ўрганиш борасида янги методологик ёндашувлар ўз

Культурогенезис. - М. 1995. - С. 245., Культурология XX век. Энциклопедия. Т.1. - Спб.: Университетская книга.- Санкт-Петербург.: ООО «Алтея», 1998. - С. 447., Теоретическая культурология- М.: Академический проект; Екатеринбург: Деловая книга. РИК. 2005. - С. 624.; Упине А.М. Дизайн костюма как средство формирования имиджа (теория, методология, практика). Дис. Доктора искусствоведения. 17.00.06. - М. 2012. - С. 447.; Плешкова И.С. Концептуальное направление в дизайне одежды XX – начало XXI веков. Дис. канд. искусствоведения. 17.00.06. - Санкт-Петербург. 2010. - С. 260.

³ Григорьев В.Г.Тус туши. К истории народного узора Востока // Искусство. 1937. №7. С. 121-124.; Сухарева О.А. К истории народного костюма населения г. Самарканда // Бюллетень АН УзССР. 1945. - С. 11-12.; Жилина А.Н. Современная материальная культура сельского населения Ташкентской области // Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. - М., 1968. - С.121-146., Мукминова Р.Г. Костюм народов Средней Азии по письменным источникам. XVI в. // Костюм народов Средней Азии. - М., Наука, 1979. - С. 70-76.; Исмоилов Х. Головные уборы узбеков конца XIX – начало XX вв // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - 1977. - №3. - С.50-54.; Бикжанова Б.Н. Одежда узбеков Ташкента // Костюм народов Средней Азии. - М.: 1979.; Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма. Самарканд. (2-я половина XIX – начало XX вв.) - М.: Извост. лит-ры, 1982. - С.582.; Сазонова М.В. Женский костюм узбеков Хорезма // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. - М., 1989. - С. 90-106. Сухарева С.А. Костюм народов Средней Азии. Историко-этнографические очерки. - М.: Наука, 1979. - С. 186., История среднеазиатского костюма. Самарканд. (2-я половина XIX – начало XX вв.). - М.: Извост. лит-ры, 1982. - С. 582.; Сухарева О.А Сазонова М.В. Женский костюм узбеков Хорезма // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. - М. 1989. - С. 90-106.

⁴ Абдуллаев Т.А., Хасанова С.А. Одежды узбеков (XIX – начало XX вв.). - Т.: Фан, 1978. Бикжанова М.А. Мурак - старинная верхняя одежда узбеков Ташкента // Памяти М.С.Андреева. Сталинабад, 1960. - С. 141, Женская одежда узбеков города Ташкента XIX–XX столетия. - Т.: 1948. - С. 63. Исмоилов Х. Анъанавий ўзбек кийимлари. Этнографик материаллар. - Т.: Фан, 1978. - 466 с. Фахретдинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. Т., 1972. - С. 217. Исмоилов Х. Анъанавий ўзбек кийимлари. - Т.: Фан, 1979. - С.107. Сухарева С.А. Костюм народов Средней Азии. Историко-этнографические очерки. - М.: Наука, 1979. - С. 186., История среднеазиатского костюма. Самарканд. (2-я половина XIX – начало XX вв.). - М.: Извост. лит-ры, 1982. - С. 582.; Ундерова Л.В. Узбекская народная одежда конец XIX – XX вв. - Т.: Фан, 1994. - С. 207., Принципы конструирования узбекской народной одежды (конец XIX – XX вв) // VI искусствоведческая научно-практическая конференция молодых ученых. Тез. Докл. - Т.: Ёш гвардия, 1990. - С. 60., Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари. XIX аср охири – XX аср бошлари. - Тошкент, 2001. - С. 117., Ўзбек миллий кийимлар XIX – XX асрлар. (Альбом). - Тошкент. 2001. - С. 304., Ўзбек миллий кийимлар XIX–XX асрлар. (Изоматериал). - Тошкент: Нашриёт, 2006. - С. 192. Национальная одежда узбеков Бухары и Ферганы XIX – XX вв. - Тошкент: Шарк, 2006. - С. 33.: илл., Национальная одежда узбеков Ташкента и Ферганы XIX – XX вв. - Тошкент: Шарк, 2006. - С.33.: илл.

ифодасини топган⁵. Мустақиллик даврида либос бўйича олиб борилган тадқиқотларда: У.Раҳматуллаева⁶ ўзбеклар либосини фалсафий нуқтаи назардан, Ю.Гайбуллаева⁷ ўзбек аёллари либоси тарихий кесимда илмий ўрганилган.

Ўзбекистон либос дизайни амалиётини ўрганишга бағишланган манбалар, илмий тадқиқотларда, асосан унинг маҳаллий муҳитдаги ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳамда иқтисодий жиҳати тадқиқ этилган. Ўзбекистонда либос дизайнининг юзага келиши, Республика мода уйлари фаолияти, уларнинг тараққиёти, либос дизайни амалиётидаги ижодий жараёнлар таҳлилига бағишланган тадқиқотларнинг санъатшуносликда ўрганилмаганлиги мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ PZ-2017-0930306 рақамли “Ёшларда қатъий фуқаролик позициясини шакллантиришда тасвирий санъат имкониятларини татбиқ этиш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср ўзбек либосининг ижтимоий-маданий феномен сифатидаги бадий хусусиятларини аниқлаш ҳамда унинг ривожланиш ва тараққиёт жараёнларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек миллий либосларининг тарихий негизларига оид фактологик материалларни таҳлил қилиш асосида тадрижий ривожланиш омилларини аниқлаш;

халқ маданияти ва санъати шаклланишида анъанавий либосларнинг этнографик хусусиятлари ҳамда бадий-декоратив услубларининг тугган ўрнини белгилаш;

XX аср либос дизайнида ғарб тамойилларини ўзлаштириш хусусиятлари ҳамда умумиттифоқ моделлаштириш мактабларининг фаолиятини ўрганиш;

⁵ Хакимов А.А. Искусство Узбекистана: история и современность. Ташкент: “San’at”, 2010. – С. 504.; Акилова К.Б., Некоторые методологические аспекты изучения современного дизайна Узбекистана, Санъатшунослик масалалари II. Илмий мақолалар тўплами. - Т.:2005.- С. 77-85.; Камилова Х.Х. Факторы влияющие на эксплуатационные свойства одежды. Монография. - Ташкент: Фан, 2002.- С. 64., Камилова Х.Х., Рахимова З.И., Раҳматуллаева У.С. Ўзбек миллий либоси ва анъанавий кийимлар. Монография. -Ташкент.: 2018. – С. 336., Ўзбек анъанавий кийимлари. 2 томли китоб-альбом. - Ташкент. 2016.; Мирзаахмедов Р. Читгарлик сирлари,- Ташкент: Издательство журнала “San’at”, 2017. – С. 60. Нодир Б. Сўзнанинг тугиличи (Альбом каталог), - Ташкент: Издательство журнала “San’at”, 2018. – С. 120. Мода Узбекистана: вчера и сегодня, - Ташкент: Издательство журнала “San’at”, 2020. – С. 128. Ўзбек замонавий модаси: анъаналар талқини //Ўзбекистон санъати: услуб, анъана ва давомийлик. ЭГО 13. Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти илмий-экспериментал талабалар анжуманиматериаллари, - Ташкент: Издательство журнала “San’at”, 2018. – С. 120.; Хасанбаева Г.К., Чурсина В.А., Костом тарихи, - Т.: Ўзбекистон, 2002. – С. 202.; Чурсина В.А. Мода Узбекистана: вчера и сегодня, - Ташкент: Издательство журнала “San’at”, 2020. – С. 128.; Отахонова Ф.З. Замонавий либосларни моделлаштириш. Ўқув қўлланма. Ташкент: Нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2008. – С. 156.;

⁶ Раҳматуллаева У.С. Ўзбек халқининг кийиниш маданияти ва замонавийлик (фалсафий-маданий ёндашув). Афтореферат. Ф.ф.н. - Т. 2010. - С. 56.

⁷ Гайбуллаева Ю. Ўзбек аёлларининг миллий кийимлари тарихи (XIX-XXасрлар). Афтореферат. ф т.ф.доктори. - Т. 2019. – С. 54.

XX аср охири - XXI аср бошларида замонавий либос дизайни соҳасидаги миллий анъаналарнинг интеграцион хусусиятларини тадқиқ этиш;

назарий ва амалий концептуал илмий гипотезалар асосида либос дизайнерлари учун инновацион амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX аср Ўзбекистон либослари дизайни белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети XX аср ва мустақиллик йилларида ўзбек либос дизайнида юзага келган янги тенденциялар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш динамикасини музей ва шахсий коллекциялардаги муаллифлик либослар наъмуналари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий, типологик, тавсифий, таснифий, тарихийлик, қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

Ўрта Осиё халқларининг илк миллий либослари антик даврдаёқ шакллана бошлаганлиги ва уларнинг ипак матодан уч ва тўрт япрокли, контраст рангли, ҳандасавий ёки зооморф шаклдаги нақшлар билан безатилган дизайн ечимлари қушонлар даврига мансуб Далварзинтепа, Холчаён, Қоратепа, Айритом каби манзилгоҳлардан топилган фриз безакларида акс этганлиги аниқланган;

ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг кескин континентал иклимидан келиб чиқиб, жазирама иссиқ шароитда инсоннинг соғлиги ва ишчанлик қобилиятини сақлаб туриш учун зарур бўлган сунъий микроиклимни яратиш мақсадида миллий либослар бичими кенг, пастга қараб кенгайиб борувчи ва узун ечимда бўлганлиги далилланган;

мустақиллик йилларида тасвирий санъатнинг авангард, оп-арт, минимализм, поп-арт, кинетизм каби йўналишларининг таъсири натижасида ўзбек либос дизайнига ассиметрик бичим, иллюзия, монохром тусли тўқималардан фойдаланиш, ранглар контрасти, образга концептуал ёндошиш каби хусусиятлар кириб келганлиги далилланган;

анъанавий маданият, халқ амалий санъати элементлари, миллий либос унсурлари, ундаги шакл ва нақш элементлари, зардўзлик, пахтадан тайёрланган газламалар, кашта, матоларга ранг бериш каби миллий анъаналарни янги конструктив ечимлар билан уйғунлаштирган ҳолда замонавий либослар дизайни яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон халқ амалий ва тасвирий санъатидаги ижодий тажрибаларни замонавий либос дизайнининг бадиий жараёнига кенг татбиқ этиш ва миллий либос дизайни санъатига оид ижодий изланишларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда либос дизайни санъатини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, телекўрсатув, радиоэшиттириш тайёрлаш, ҳужжатли фильмлар яратиш ва бошқа ташвиқот ишларини олиб боришда, маданий-маърифий тадбирлар ўтказишда илмий манба сифатида қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган илмий ёндашув усуллари ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан

олинганлиги, замонавий санъатшуносликнинг синалган усуллари ҳамда назарий ёндашувларнинг қўлланилгани, архив материаллари ва каталог тизими каби бирламчи манбаларга асослангани, илмий-амалий хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф, тавсия ва хулосалар либос дизайнининг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга, соҳага оид фанлар бўйича назарий-услубий ишланмаларни тайёрлашга, либос санъатининг технологияси ва методологияси шаклланишига, илмий-амалий фаолиятни мувофиқлаштиришга, анъанавий ва замонавий либослар дизайнининг назарий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумот ва хулосалардан Ўзбекистонда либос дизайни санъатини ўрганишда самарали фойдаланиш имконини бериши, келгусидаги илмий изланишлар учун назарий манба бўлиши, шунингдек либос дизайни, амалий санъат, санъатшунослик, маданиятшунослик фанларидан тайёрланадиган дарслик ва ўқув қўлланмалар мазмунини бойитишга хизмат қилиши ҳамда замонавий санъат кўرғазмалари, лойиҳалар ва илмий конференциялар ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX аср Ўзбекистон либос дизайнининг асосий босқичлари ва ривожланиш тамойиллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

XX аср либосидаги ўзгаришлар, либос дизайни санъати мактабининг бошқа тарихий-маданий худудлар санъати билан интеграцион алоқалари ва услублар негизидagi ўзаро таъсирланувининг мавжудлигига қарамасдан, ҳар бир дизайнернинг индивидуал ёндашуви асносида ривожлангани бўйича маълумотлардан Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик музейи экспозицияларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 7 январдаги 05-12-08-56-сон далолатномаси). Натижада, сиёсий жараёнлар, маданий алоқалар, диний-этикодий қарашлар туфайли юзага келган либослар, халқ амалий санъатининг бадиий хусусиятлари, амалий санъат анъаналари миллий либоснинг шаклланишида муҳим омил бўлганлиги каби илмий манба орқали музей экспозициясини тарихий либосларга оид факталогик материаллар ва маълумотлар билан тўлдиришга, мазмун моҳиятини илмий бойитиш имконияти яратилган;

мустақиллик йилларида тасвирий санъатнинг авангард, оп-арт, минимализм, поп-арт, кинетизм каби йўналишларининг таъсири натижасида ўзбек либос дизайнига ассиметрик бичим, иллюзия, монохром тусли тўқималардан фойдаланиш, ранглар контрасти, образга концептуал ёндошиш каби хусусиятлар кириб келганлиги, шунингдек анъанавий маданият, халқ амалий санъати элементлари, миллий либос унсурлари, ундаги шакл ва нақш элементлари, зардўзлик, пахтадан тайёрланган газламалар, кашта, матоларга

ранг бериш каби миллий анъаналарни янги конструктив ечимлар билан уйғунлаштирган ҳолда яратилган замонавий либослар Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ўтказилган 2019 йил 13-ноябрдаги “Инсон-муҳит-санъат-2019” II-Тошкент Халқаро амалий санъат Биеннаlesi доирасида Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил этилган “Илҳомимсан, беқиёс Ватаним” номли кўргазмаси экспозицияларини яратишда ва концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Бадиий академиясининг 2020 йил 26 октябрдаги 03-09/370-1140-сон далолатномаси). Натижада, XX аср Ўзбекистон либос дизайни мактабининг бошқа тарихий-маданий ҳудудлар санъати билан интеграцион алоқалари ва услублар негизидаги ўзаро таъсири мавжудлиги, шу билан бирга дизайнерларнинг индивидуал ёндашувга эга бўлганлиги хусусида хулосалар чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 9 та республика ва 4 та халқаро конференцияларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий мақола нашр этилган бўлиб, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, хорижий журналларда 2 та илмий мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, глоссарий ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 138 бетни ташкил этади. Иловада иллюстратив альбом 54 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, муаммонинг ўрганилиш даражаси асосланган, республика фан ва технологияларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ўзбекистон анъанавий либослари ривожиди тарихий негизлар**” деб номланган бўлиб, уч бўлимдан иборат. Биринчи бобнинг биринчи бўлими “**Қадимги ва илк ўрта асрлар тасвирий санъат ёдгорликларида акс этган анъанавий либослар**” деб номланиб, унда Ўзбекистон ҳудудидан топилган тарихий ёдгорликлар, амалий санъат ва майда пластика каби санъат намуналари ёрдамида қадимий либоснинг таҳлили ўрганилган.

Либос тарихини ўрганишда тарихий манбалар, деворий археологик объектларда сақланиб қолган деворий суратлар, тасвирий ва амалий санъат

намуналари, яъни майда пластика, кандакорлик буюмлари, бизгача етиб келган мато бўлакларида акс этган тасвирлар муҳим аҳамият касб этади. Илк ўрта асрлар либосини Болаликтепа, Ажинатепи, Варахша, Афроосиёб ва бошқа қадимги давлатлар ва археологик объектларда топилган деворий суратлар, сўнг ўрта асрларга оид миниатюралар ўзбек либосларининг ўзига хос тамойиллари қадимдан шаклланганлиги ва даврлар кесимида такомиллашиб келганини кўрсатади. Асарлар сарой ҳаётини акс эттирганлиги туфайли уларда сарой аъёнлари, юқори табақа вакиллари, саркардалар, савдогарлар, машшоқлар, раққосалар тасвирларидаги либос намуналарининг қиёсий таҳлили орқали ёритилди.

Анъанавий либосларнинг табиий-иқлимий омиллар, континентал иқлимга мослашиши билан миллий либосларнинг маҳаллий нусхалари, ўлканинг ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланадиган жойларида кенг кийимлар, кўчманчи яйлов чорвадорларида ёпишиб турадиган кийимлар вужудга келганлиги, маҳаллий аҳолининг географик жойлашуви, иқлим шароитлари, асосан деҳқончилик билан боғлиқ бўлган хўжалик ҳаёти тарзида танани иссиқ тутувчи маҳаллий газламага талаб юқори бўлган. Либос бир қанча функцияларни бажаради: ижтимоий, ёши ва жинси, табақавий, касбий, этник омил; шахсий обрў-этибор ва ютуқлар кўрсаткичи; биологик (иқлимий шароитлардан сақлаш); эстетик (халқнинг эстетик идеали мужассамлиги) ва жамиятдаги ўрни (турли вазиятларда ўз эгасини ҳаётдаги ўрнини намойиш этувчи, масалан, байрамларда, иш ёки меҳнат жараёнида, тўйлар ва турли маросимларда). Бундай далилларни турли даврларда яратилган ижод (бадий ва тарихий асарлар, солномалар, мемуар ва бошқалар) намуналари ёрдамида аниқ мисоллар орқали қиёсий кўриниши тикланган.

Мазкур бобнинг **“Ислом давридан XIX асрнинг охири - XX аср бошидаги миллий либосларнинг тадрижий ривожини (ижтимоий мавқе, мато, семантик хусусиятлари)”** номли иккинчи бўлими ислом эстетикаси таъсирида миллий либоснинг маълум бир жиҳатларида ўзгаришлар юз берган бўлсада, анъанавий либоснинг хусусиятлари сақланиб қолгани аниқ мисоллар, ёзма бадий адабиёт, тарихий қўлёзмалар ва миниатюра асарлари мисолида таҳлил қилинган. Бу давр либоси услубий жиҳатдан Ўрта Осиёда ислом қабул қилинган ва XIII аср биринчи чорагида мўғуллар босқинига қадар давом этиб келган зардуштийлар анъаналари билан боғлиқ кийимларнинг янги тури бўлиб, у IX-XII асрлар меъморий ва амалий санъат безаклари таркибида ҳам мавжуд бўлганини илмий тадқиқ этилган⁸.

Эркак ва аёллар кийимлари ташқи жиҳатдан ўхшаш бўлса-да, уларда кўпгина фарқли жиҳатлар ҳам кузатилади. Аёллар кийимининг енги пастга қараб кенг, эркакларники эса билагига ёпишиб турган. Аёллар тўғри бичимли узун юбка ёки кенг лозим кийинган. Эркаклар шолворининг почасини узун кўнжли этикка киргизиб юришган.

XIV аср иккинчи чорагидан бошлаб, мўғул-хитой либос русуми маҳаллий либослар билан уйғунлашиб, маҳаллий либосларнинг янги тури

⁸ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана., - Т.: 1965. - С.179.

шакланган. Аммо эркаклар тўни, кийимларнинг кўкрак қисмига тикилган кашта безаклари, либос елкаси ва бел қисми, этакларни белгача ёки ундан узунроқ қилиш анъанаси сақланган. Бу мўғул-хитой либосига хос хусусият саналади. Соябонли ёки қайтарма бош кийимлар кўринишида ҳам мўғул-хитой либоси ўзини сақлаб қолган.

XV асрга келиб, Темурийлар ҳукмронлик қилган ҳудудларда эркаклар ва хотин-қизларнинг ички ва ташқи, яъни турли рангдаги авра-астарли икки қават узун либос кийиши одатга айланган.

Тарихий ёдгорликларда акс этган либос таҳлили шуни кўрсатдики, кийимнинг шаклланиши табиий-иқлим омиллари, ижтимоий сиёсий жараёнлар, қўшни давлатлар билан олиб борилган алоқалар, савдо-сотикни ривожланиши натижасида турлича юз берган. Бу даврда яратилган миниатюра асарларида либослар бичими эркак ва аёллар кийимлари орасида фарқ унча катта бўлмаганлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга либосларда акс эттирилган сержило безаклар ўша давр ҳунармандлар томонидан матолар тўқилиши санъат даражасига кўтарилганлиги илмий таҳлил этилган.

Амир Темур ва Темурийлар даври либосларини бениҳоя сержило, мураккаб, дабдабали, ўта ҳашамдорлиги ва бир неча давлатлар амалий санъатининг уйғунлашуви натижасида юзага келган. XV асрнинг охири - XVI асрнинг бошларида сарой аъёнлари оқ рангни, олимлар, шоирлар, шаърият пешволари, сўфийлар оқ, ҳаворанг, кулранг, яшил ранглари хуш кўрганлар. Ёшлар ва меҳнат аҳли ёрқин рангли кийимлар кийган, пойабзал либос мажмуи каби бежиримлиги ва ёрқин ранглари билан ажралиб турган.

XIX асрда қоматда эркин, кенг турадиган кўйлак йиллар давомида шаклланиб, Ўрта Осиёнинг иссиқ табиатига қулай бўлиши учун ўзига хос гигиеник, соғлиқ учун сунъий микроклиматни сақлаб турадиган, олди очик чопон устки кийим вазифасини ўтаган. Чопонлар мавсумга қараб, уч турга бўлинган: жома – астари қавилган кундалик чопон, чакмон – жун матодан тикилган қишлоқ чопон, яқтак – баҳясиз ёзги кийим. Амир саройи амалдорлари эса «зарбоф, атлас ва шойи чопон» кийиб юргани қайд этилган.

Ушбу бўлимга хулоса қилиб айтиш мумкинки, ислом даври ҳамда Ўрта асрларда тасвирий ва амалий санъат ёдгорликларида акс этган анъанавий либос талқини, таҳлили ва ўзига хослик жараёнларини ўрганишда яратилган ёзма адабиёт, уларга ишланган миниатюра асарларидан либослар, сержило безаги, матоларнинг ҳар бири алоҳида буюртмачи учун ишлангани намоён бўлган.

Биринчи бобнинг учинчи бўлими **“XX аср либос дизайнини ўрганишда назарий муаммолар ва методологик ёндашувлар”** деб аталиб, либос дизайни, унинг шаклланиш тарихидан бугунги ҳолати юзасидан олимлар томонидан олиб борилган илмий ишлар назирий таҳлили, соҳага оид методологик ёндашувлар тадқиқ этилган. Ўзбекистоннинг бой маданий мероси таркибининг бир бўлаги бўлмиш XX аср либоси, мураккаб сиёсий-иктисодий жараёнларни босиб ўтганлигига қарамай, европалашиш хусусиятлари билан бир қаторда миллий ўзига хосликни сақлаб қолишга

муяссар бўлган. Ҳозирда XX аср либос дизайнини ўрганиш янгича талқиндаги замонавий методологик ёндашувлар орқали назарий таҳлилни талаб этади.

Ўзбекистон халқининг анъанавий либосидаги кўп асрлик бадий принципларини ўзлаштириш, костюмнинг бадий хусусиятлари конкрет тарихий давр ва халқ анъанавий кийимларининг турли кўринишлари, мазкур санъат турини Ўзбекистонда шаклланиш нуктаи назаридан ўрганиб чиққан ҳолда, унинг XX аср турли ўн йилликларидаги ривож бадий хусусиятлари ва муаммолари, олимларнинг изланишлари XIX-XX асрлар мобайнида ўзбек халқининг тарихий либосларини ўрганиш, уларга хос хусусиятларини аниқлашга йўналтирилган.

Ушбу бўлимда XX аср либосидаги асосий шакллар ва уларнинг трансформация жараёнлари аниқланган, эҳтимоллар назарияси ижтимоий сўровномалар ўтказилиши натижада мода тенденциялари прогнози ҳақида фикр юритишга имкон берган.

Диссертациянинг **“XX аср Ўзбекистон либос дизайнининг ривожланиш динамикаси ва бадий хусусиятлари”** деб номланган иккинчи боби уч бўлимдан ташкил топган. Бобнинг **“1920-1940 йилларда Ўзбекистон либос дизайнида анъанавийлик хусусиятларининг ривожини”** деб номланган биринчи бўлимида сиёсий ўзгаришлар натижасида либосларда ўзига хос шаклланган янги тенденция хусусида фикр юритилади. XX асрда либослар икки йўналишда ривожланган бўлиб, биринчиси европага хос кийимларнинг урф бўлиши ва иккинчиси либослардаги миллий шаклларнинг ўзгаришида кузатилади.

Зодагонлар ва буржуазия синфларини бекор қилган ва жамиятнинг янги ижтимоий таркибини тузган октябр социалистик инқилоби муқаррар равишда совет мамлақати модасининг шаклланишига таъсир кўрсатди, унда ҳашаматли гардероблар учун жой йўқ эди. Ёш Советлар мамлақатидаги ишчилар синфи янги жамият қурувчи сифатида кийиниши лозим эди. Мазкур давр сиёсий ғояси янги инсонни шакллантириш, яъни қурашувчан, қаҳрамон, романтик, эски дунёқарашдан воз кечиб, ҳақиқатпарвар, инсонпарвар, гўзалликка интилувчи мафқурага асосланган янги ҳаётни қурувчиси бўлиши лозим эди.

Айнан 1920-йилларнинг ўзига хослигини кўрсатувчи либослар - эркаклар ва аёллар учун чармдан камзуллар, чарм фуражклар ва аскарлар учун мўлжалланган туникалар, чарм камарлар билан бел боғлаш инқилобий кайфиятни берувчи мураккаб жанговор ва фуқаролик уруши кечаётган ҳаётга мослашувчи образларда намоён бўлди. Кенг оммалашган эркаклар кўлаги сатиндан тикилган ён томондан тугмаланадиган косоворотка бўлиб, устидан пиджак кийилган. Россияда аёллар холст, қалин мовут, читдан блузкалар кийишган. Ўзбек аёллари орасида маҳаллий чит матоларидан тикилган либослар урф бўлган. Аёллар гардеробидан ўрин олган эркаклар либосидаги элементлар нафақат совет аёли ва совет эркаги ўртасидаги тенгликка, балки ижтимоий келиб чиқиш хусусиятини йўқолишига олиб келди.

1920-йиллардан бошлаб, азалдан шаклланган инсонларнинг яшаш тарзи янгича тус олиши, совет сиёсатининг тазйиқи остида либос кескин ўзгаришига

хамда камтарона ҳаёт тарзи, барчани тежамкорликка ундовчи сиёсий қарашлар серҳашам либослар ўрнини оддийларига алмашишига сабаб бўлди. Аёллар ва қизлар либослари ўртасидаги фарқ йўқолди. Шунга қарамай аёлларнинг маросим либослари анъанавийликни сақланиб қолган.

1920-1930-йилларда либос стилидаги ўзгаришлар жараёни иккита ўзаро бир-бирига яқин йўллардан борган. Бир томондан Европа либоси номини олган шаклларнинг кенг тарқалиши кузатилади. Бу жараён янги иқтисодий ва ижтимоий шароитларнинг юзага келиши туфайли табиий ривожини давом эттирди. Аста-секин миллий кийимларга европа костюмлари компонентлари кира бошлади. Ўз навбатида миллий эркаклар кўйлагини европа шимлари билан уйғунлигига олиб келди. Аёллар гардеробидан миллий кўйлак билан бирга жакетлар ўрин олди. Бундай уйғунлик либосдаги аввалги яхлит стилнинг йўқ бўлиб кетишига ва фабрикаларда оммавий ишлаб чиқаришнинг афзаллиги уста ҳунармандларнинг меҳнатига нисбатан эътиборнинг сусайишига олиб келди.

XX асрнинг биринчи ярмида дўппилар урф бўлиб, уларнинг шакли, ранги, орнаменти либоснинг ажралиб турувчи хусусияти ҳар бир этник ва маҳаллий гуруҳларда ўзига хослигидадир. Либосда, айниқса, бош кийимларда ҳар бир худудга хос яшаш тарзи орқали шаклланган қадимги анъаналар сақланиб қолди. XX асрнинг иккинчи ярмида кўйлак устидан кийиладиган нимчалар аёллар либосига хос, улар Ўрта Осиё Россия таркибига кирганидан сўнг, пайдо бўлган. Бироқ, унинг тарқалиши турли ерларда бир хил кечмади. Нимчаларни қизлар, ёш ва ўрта ёшли аёллар кийишган. Уларни кўпроқ тўқ яшил, кўк, қизил рангли сатин, бахмал матоларидан тикишган⁹. Нимчалар аёллар либосининг ажралмас қисми айланган. Шахрисабз ва Китоб нимчалари жуда машҳур бўлган.

1930-йиллардан тикув маҳсулотлари одамларнинг оммавий эҳтиёжини қондира бошлади. Европага хос либос кўпроқ тарқалиб, унинг унсурлари миллий либос билан уйғунлаштирилди. Натижада тарихий либосга хос бутунлик, тарихийлик ва мазмун йўқотилди. Бу ўша даврдаги шароит ва ҳаёт тарзининг таъсири бўлиб, оммавий фабрика тикув саноатининг ҳунармандчиликдан афзаллигини кўрсатди¹⁰. Умумий йўналишнинг ривожини билан бир қаторда миллий либослар ҳам чекка худудларда ўз анъаналарини сақлаб қолиб, тақомиллашда давом этди.

1934 йилда Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент текстиль комбинати, Самарқандда ипак тўқиш фабрикалари бирин-кетин ишга тушди. Амалий санъатда бир-биридан қизиқарли янги асарлар яратилди. Юқори бадиий асарлар каштачилик, читгарлик, ёғоч ўймакорлиги ва энгил саноати турларида акс этган халқ санъатининг бошқа қўринишлари нотекис ривожланди¹¹.

Иккинчи жаҳон уриушини бошланиши янада танг аҳволдаги мамлакатни ижтимоий-сиёсий ҳолатини мураккаблашиши уст-бош кийимларни топиш имкониятини ҳам йўқотди.

⁹Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилиги давлат музейи. Тўплам. IУ-115.

¹⁰ Акилова К.Б. Тасвир ва талқин (мақолалар тўплами). – Тошкент.: “Akademnashr”. 2016. – С. 69.

¹¹Григорьев Г. Тус-гупи. - М.: Искусство. 1937. – С. 32.

Тадқиқот таҳлилига кўра, 1940-1950 йиллардаги либосларда икки хил ёндашувни кузатиш мумкин эди. Биринчиси – европача, яъни эркаклар либосида тўғри елкали, бели ёпишиб турадиган пиджак, кенг шим, аёллар кийимида кенг этакли юбка, енгсиз кофтлар, беақдор қисмларининг кўплиги, иккинчиси – миллий либослар бўлиб, пойтахтдан узоқ бўлган вилоятларда миллий либос турлари ўз ҳолича такомиллашиб борган.

Мазкур бобнинг **“1950-1960 йиллардаги Ўзбекистон либос дизайнини ривожини”** деб номланган иккинчи бўлимида 1950-йилдан либосни режалаштириш бошланиб, ягона умумиттифоқ енгил саноат маркази шугулланган, ушбу марказнинг эстетик комиссия мажлисларида яқин йиллар учун моданинг прогнози илмий ва иқтисодий асослаб берилган, моданинг йўналиши барча республикаларнинг рассом-модельерларини энг яхши ютуқлари асосида ишлаб чиқилган¹².

Иккинчи жаҳон урушидан кейин янги хусусиятли материаллар ассортиментини кийим конструкциясига ва шаклига катта ўзгаришлар киритди. Аввал инсонни иқлим таъсирларидан муҳофаза қилиш учун яратилган кийимнинг кейинчалик турли тарихий ўзгаришлар, ижтимоий ва иқтисодий шароитлар, миллий хусусиятлар ва жамиятдаги эстетик тасаввурлар эволюцияси таъсири остида шакли ва турлари ўзгариб, у амалий санъат объектига айланди. Жумладан, 1950 йиллар ўртасида аёллар кийим-кечагини моделлаштиришда янги белгилар пайдо бўлди. Либос қад-қоматга тўлик бўйсуниб, унинг гўзаллиги, латофатини кўрсатишга мослашди. Айни пайтда миллий либос, шу жумладан аёлларнинг ёзги кенг кўйлаги сақланиб қолаверди.

XX асрнинг ўрталари совет халқи учун энг барқарор ва тинч даврлардан бирига айланди. Урушдан кейинги ўн йиллик кўп йиллар давомида урушлар, терроризм, репрессиялар билан тўла бўлган бир қатор фожиали воқеалар ортида, умидлар даврига айланди. 1950 йиллар Совет иқтисодиётининг гуллаб-яшнаган даври эди¹³. Кўпгина иқтисодий муаммолар ўта долзарб бўлиб қолганига қарамай, энг оғир уруш даврини бошдан кечирган мамлакат жуда катта сакрашни амалга оширди. Ўн йилликнинг биринчи йилларида Ғарбдан келиб чиққан мода тенденциялари Совет халқи учун хавфли ва зарарли ҳисобланди¹⁴. 1950 йилнинг ўрталарида аёллар либосини моделлаштиришда янги кўринишлар вужудга келди. Либос бутунлай қоматга бўйсуниб, силуэтнинг енгил чизиклари ҳосил бўлди. Бир вақтнинг ўзида кенг ёзги миллий кўйлак ҳам кийилган.

1953 йилда Сталиннинг вафоти мамлакат тарихида янги босқични бошлаб берди. Хрушев ҳокимият тепасига келиши билан, “оттепель” деб номланган даврда, жамият ҳаётида ислохотлар даври бошланди. СССР ва капиталистик мамлакатлар ўртасидаги халқаро алоқаларнинг ривожланиши тўғрисида ғарб истеъмолчилар маданияти ҳақидаги маълумотлар Совет ҳаётига

¹² Фахретдинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. - Т., 1972. – С. 203.

¹³ Калашникова Н.М., Плужникова Г.А. Одежда народов СССР. - М.: Планета. 1990. – С. 111.

¹⁴ Пармон Ф.М. Композиция костюма. Одежда, обувь, аксессуары. - М.: Легпромбытиздат. 1985. - С. 45.

кириб борди, одамлар сўнгги хорижий мода ҳақида кўпроқ билиш имкониятига эга бўлишди. Мамлакатга дунёда ҳукмронлик қилаётган, аёлликни ўзида мужассам этган New Look услуби ҳақида маълумотлар кириб келди. Ҳарбийлаштирилган X шаклидаги силует ўрнини кум соати силуети эгаллади. Аёллар кийимлари бели тор, елка чизиги енгил шаклли калта кофта, тўпикдан юқори бўлган таҳламали юбкалар билан ажралиб турган. Дунёдаги икки сеvimли деб тан олинган – гулдаста ва нилуфаргул – янги моданинг асосий силуетлари учун прототип бўлиб хизмат қилди¹⁵. Бундай янгиликлар ўзбек модасига ҳам бевосита таъсир этди.

Кийим фасонларининг ўзгаришларини маҳаллий хусусиятлар билан бирга умумиттифоқ модасини ҳам ҳисобга олган ҳолда моделчи рассомлар белгилаб бера бошладилар. Либос модалари уйи профессионал даражадаги моделлаш санъатининг пайдо бўлганлигидан далолат берарди. Ип-газлама ва ипак газлама матолари тайёрлаш, модалар уйи фаолиятини янада ривожлантириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. 1960-йилларда яхлит ансамбллар машҳур эди. Ёшлар хиппиларга тақлид қилишган, сочларини ўстириб, ғижимланмайдиган тор кўйлақлар ва клёш шимлар мода ва услуб юзага кела бошлаган.

Мамлакатда 1960 йилдан либосни режалаштириш бошланди. Бу билан ягона умумиттифоқ енгил саноат (легпром) маркази шуғулланди. Ушбу марказнинг эстетик комиссия мажлисларида яқин йиллар учун моданинг прогнози илмий ва иқтисодий асослаб берилган. Моданинг йўналиши барча республикалар рассом-модельерларининг энг яхши ютуқлари асосида ишлаб чиқилган. Либос моделлари йилнинг аниқ мавсумини, яъни, баҳор, ёз, куз, киш фаслларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Инсоннинг жинси билан бирга ёши ҳам ҳисобга олинган. Аввалги йилларга нисбатан либоснинг вазифасида катта дифференциялаш юз берди. Турли соҳаларда ишлайдиган, қулай бўлган иш кийимини яратишга катта эътибор қаратилди. Масалан, республикада пахта тозаловчилар, халқ амалий саноати хизматчилари ва бошқа соҳалардагилар учун либослар андоза-бичимлари ишлаб чиқилди. Либоснинг аксессуарлар билан ягона ансамблда ишлаб чиқилиши янги ва кизикарли русумда намоён бўлди.

Европага хос либослар тарқалиши авж олиб, кишлоқ аҳолиси асосан европа костюми элементлари акс этган миллий либос кийган. Ёш жиҳатдан бўлиниш эндиликда рухий омил таъсири доирасида бўлди. Ёшлар одатда барча янгиликларни тез қабул қилиб, ўрта ёшдагилар янгиликка эҳтиёткорона ёндашиб, қисман ўзлаштиришди, катта ёшдаги аҳоли умуман янги удум бўлган либосларни рад этди. Шунинг учун бир фасон аввал ёшлар либосининг замонавий мода элементи сифатида тасдиқланиб, кейин иккинчи даражага ўтиб, охири қариялар либосига кириб борди. Болалар либоси ҳам катта ўзгаришларни бошидан кечирди.

¹⁵ Стриженова Т.К. Из истории советского костюма. - М.: Советский художник. 1972. – С. 100.

Модалар уйининг асосий фаолияти, бир томондан, урфдаги либосларни оммалаштиришга қаратилган бўлса, бошқа томондан, Ўзбекистон энгил саноати учун замонавий турдаги либосларни ишлаб чиқаришдан иборат эди. XX асрнинг 60-йилларида буюмларга нисбатан етакчи тамойил советчадид тамойили бўлиб, гўзалликнинг советча мазмуни “чиройли, аммо арзон” ифодасида акс эттирилган. Янги жамият мафкурасининг моҳиятига кўра, буюмлар инсоннинг мақомини таъкидламаслиги ва уни ажратиб турмаслиги лозим эди. Бу эса ўз навбатида совет жамиятида маҳсулотлар камёблиги пайтида ниҳоятда муҳим эди.

1966 йил 26 апрелда Тошкентда рўй берган табиий офат – zilzila оқибатида Совет Иттифоқи республикаларининг турли миллат вакиллари томонидан шаҳар қурилишида иштироки либосларнинг синтезлашувига ўз таъсирини ўтказди.

Хулоса қилиб, 1960-1980 йилларга хос либосларда замонавийлик, қулайлик, инсон гавдаси гўзаллигини намоеън этиш қабилар асосий мезон қилиб олинди.

Иккинчи бобнинг **“1970-1980 йилларда Ўзбекистон либос дизайнининг ривожланиш динамикаси”** деб номланган учинчи бўлимида 1970-1980- йилларда яратилган либослар таҳлили ўрин олган. Мазкур йилларда эркаклар костюмида стандартлаштириш, ассортиментни кенгайтириш ишлари олиб борилган. Эркаклар гардеробида европа либосларига хос кийимлар ўрин олган.

1970 йилларда бозорни турли маҳсулотлар билан бойитиш зарурати туғилди. Ғарб ва Шарқ ўртасида тўсиқларнинг маълум даражада олиб ташланиши билан дизайн етакчи ўрин эгаллаган Ғарб маҳсулотлари қириб келди. 1980 йилларга хос либосларда замонавийлик, қулайлик, инсон гавдаси гўзаллигини намоеън этиш қабилар асосий мезон қилиб олинди¹⁶. Аёллар кийимиغا янгилик олиб кириш, миллий кийимлар ўрнига европача андозадаги кийимлар кийишни урфга айланттириш борасида ҳукумат органларининг бир қатор тадбирлари амалга оширилди. Хусусан, 1970 йилларда Тошкент шаҳридаги қатор саноат корхоналарининг техник ижодкорлиги ўсди, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва ишлаб чиқариш жараёнини яхшилашда муҳим натижаларга эришилди. Тошкент тўқимачилик комбинати, «Малика», «Қизил тонг» «Юлдуз» каби тикувчилик фабрикалари шулар жумласидандир.

